# INT-_G0001_/47 - СОН
# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Наманган ш.** **2022 йил "07" январ**

**"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК "Узбектелеком" Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Наманган туман ирригация булими** Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи рахбар **М.Хожиев** (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 1320000 (Бир миллион уч юз йигирма минг)сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 1320000 (Бир миллион уч юз йигирма минг) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда ___________ (___________________________) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар уртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йи.т 31 декабраа катар амал килади Агар. Шартноманинг белгиланган амал килиш муддаги тувагаваидан сунн».Томонлар (бюджет ташкилоти бу.иаи Абонснгга тавбик зтилмайди) уз шартларини бажаришни давом тггирса ва Томонларнинг хеч бирав унинг бскор килинишини эълон килмаган булса, Шарпвома хар бир кейинзи йилза узайтирвтлади.

7.2.1._ Бюджет ташкилоти булган Абонент учун уззбу Шартнома ваколатли давлат орзанларила руйхазта олишап куздан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 3 1декабрза катар амал килади.

7.2.2. Абонсзгз' томонидан ушбу Шартаоманиввг имзолаззиши - Оферта акпеизини (Абонснтиина Оферта шартларини кабул килганлиззз хакидази жавобини) билдиради.

7.3. Узибу Шартаома, зпу жумладан, Опсраторнинг расмий веб-сайтида эълон килинаан Оферта, илова ва кузнимчалар (агар мавжуд булса) Шар зззома предмета юзасидан Оператор ва Абонезгг ур засида тулик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларззинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинв закис хужжаглари (мулкдорлари) узааргава такдирда, иву жумладан вашкилий-хукукий шаклинипг узгариши ва бозззка уззаризплар руй берган такдирда Шарпюма уз кучидзз колади. Томонлар бупдай уззариш.чар амалз а оширилгазз куздазз бозззлаб. 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларнззи хабардор килизнлари зззарт

7.5. Ушбу Шарпзомаза узгарзиришлар ва кузнимчалар киритал ганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилзан булса) ва ушбу харакатлар Гомоззларззинг ваколатли внахслари томонидазз имзолазвгазв хамда Томонларниззз мухрлари (мавжуд булган такдирда) билан тасдикланган булса, хакикий хисоблаззади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат талида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилзавз булиб, бир хил юрввдик кучга эва ва хар бир Томон учун битва ввусхадавв берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| | |
|---|---|
| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Ўзбектелеком” АК**<br>**Наманган филиали**<br><br>Манзил: Наманган шахар Истиклол куча 57-уй<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: _2021 0000 0040 7483 8363;<br>СТИР: 203366731;<br>МФО: 00401; АТБ “Алокабанк”<br>Тел: __1155___;<br>E-mail: b2b@uztelecom.uz; | **АБОНЕНТ:**<br>**«Наманган туман ирригация булими»**<br><br>Манзил: Наманган тумани Мустакиллик кучаси 17 уй<br>Банк маълумотлари:<br>Ш х/р: 100022860142127042402170001;<br>СТИР: 207264096;<br>МФО:00014; Банк номи: ХККМ МБ Тошкент шахри;<br>Тел:69-47-21-701;<br>E-mail:Namangan.irr@agro.uz;<br>ХХТУТ: 97600 |
| **Оператор номидан:**<br>________________ **Б.Нурматов**<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан:**<br>________________ **М.М.Хожиев.**<br>/имзо/<br>м.п. |

**Наманган туман Газначилик булинмаси**

**ЯГХ : 23 402 000 300 100 001 010**
БАНК номи Марказий банкнинг Тошкент шахар Бош **бошкармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)**
МФО:00014 Газначилик булинмасининг **СТИРи:201122919**

Исп.: Юсупов ИТел: (369) 227-1810

**Директор**________________**Нурматов.Б.Х** **Директор**________________**М.М.Хожиев**

Юрист___________

"07 " январ 2022 йилдаги
№ INT-G 0001/47 шартномага
илова

интернет хизмати учун

| № | Ойлар | Абонент | 1 бирлик нархи | Сумма | Шу жумладан индексация | Жами сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Январ | 2 | 220000 | 440000 | | 440000 |
| 2 | Феврал | 2 | 220000 | 440000 | | 440000 |
| 3 | Март | 2 | 220000 | 440000 | | 440000 |
| | **I-чорак** | | | **1320000** | | **1320000** |
| 1 | Апрел | | | | | |
| 2 | Май | | | | | |
| 3 | Июнь | | | | | |
| | **II-чорак** | | | **0** | | **0** |
| 1 | Июль | | | | | |
| 2 | Август | | | | | |
| 3 | Сентябрь | | | | | |
| | **III-чорак** | | | **0** | | **0** |
| 1 | Октябрь | | | | | |
| 2 | Ноябрь | | | | | |
| 3 | Декабрь | | | | | |
| | **IV-чорак** | | | 0 | | 0 |
| | **Жами йиллик** | **1** | | **1320000** | | **1320000** |

**Рахбар**______________ **Рахбар**______________**М.Хожиев**

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: BS4372005187

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ VL22587148

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi
«O'zbektelekom» AK Namangan filiali va Namangan tuman irrigatsiya bo'limi o'rtasida telekommunikatsiya xizmatlari ko'rsatilishi to'g'risida abonent shartnomasi

2. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot
Namangan tuman irrigatsiya bo'limi tomonidan 2022 yil 7 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan

• Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni taraflar o'rtasida tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig'i** **D. Abdullayev**

2022-yil 7 yanvar